


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 20 апрель, № 78 (8421) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КАРТОШКАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев картошкачиликни ривожлантиришга қаратилган режа ва таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Бугунги кунда мамлакатимизда картошкага бўлган талаб қарийб 4 миллион тоннани ташкил этади. Шунинг 80 фоиздан зиёди юртимизда етиштирилиб, қолган қисми импорт ҳисобидан тўлдирилмоқда.

Сабаби — соҳада бир қанча муаммолар бор. Масалан, бугунги кунда 253 минг гектарда картошка экилаётган бўлса, ўртача ҳосилдорлик 163 центнерни ташкил этмоқда. Чет эллардагига қараганда бу жуда паст кўрсаткич.

Яна бир катта муаммо уруғчилик билан боғлиқ. Аҳоли ва деҳқончилик хўжаликлари элита ва "R1" уруғлик ўрнига импорт қилинган ёки маҳаллий сифатсиз картошка экмоқда. Юқори ҳосилли уруғлик картошка етиштириш учун экин ерлари ва иссиқхоналар, уларни сақлаш учун омборхоналар етарли эмас. Ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлувчи вирус ва бактерияли касалликларни текширадиган лабораториялар йўқ.

Йиғилишда ушбу долзарб масалаларни ҳал этиш, картошкачилик ва унинг уруғчилигини ривожлантириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда миллий генофондда 250 хил картошка нави мавжуд бўлиб, 4 та корхона ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан 27 та навдан миллий уруғ яратиш бўйича ишлар бошланган.

Улардан бири Самарқанддаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасидир. Унинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида биринчи босқичда Булунғур, Тайлоқ ва Самарқанд туманларидан 500 гектар, иккинчи босқичда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Зомин, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларидан 2 минг гектар ер ажратиш мўлжалланмоқда.

Уруғчиликни ривожлантириш учун Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида 4 гектарлик, Самарқанддаги "Green Korea agro Invest" корхонасида 1 гектарлик иссиқхона ва совиткичли омборхоналар қуриш режалаштирилган. Бу лойиҳалар Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ва "in vitro" усулида картошка уруғини етиштиришнинг тўлиқ цикли йўлга қўйилади.

Шунингдек, Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиалида "илм — таълим — ишлаб чиқариш" тамойили бўйича Картошка уруғчилиги маркази ташкил этилади. Картошканинг яширин вирус касалликлари ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича 4 миллион долларлик лаборатория ишга туширилади.

Шу каби чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2025 йилдан картошка уруғчилигига бўлган ички талаб тўлиқ таъминланиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, уруғлик картошка етиштириш ҳажмини ошириш ва сифатини кафолатлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 500 тонна элита картошка уруғларини 1 минг 700 та аҳоли томорқаларига бепул тарқатиш, картошка етиштирувчиларга имтиёзли маблағлар ажратиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## РЕФЕРЕНДУМ 2023




Мулоқот

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДАН ЎРИН ОЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ҚОИДАЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ва бир гуруҳ депутатлар Жиззах вилоятида маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, тиббиёт вакиллари, ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари билан учрашиб, янгиланаётган Конституциядан ўрин олган янги демократик қоидалар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида кенг маълумот берди.*

*Қайд этилганидек, бугунги ҳаётимизда инсоннинг фаровон яшашига, давлатнинг барқарор ривожланишига жиддий таъсир қилаётган коррупция, монополия, масъулиятсизлик, нокомпетентлик, бепарволик каби иллатлар ҳали ҳам мавжудлигини рад этиб бўлмайди. Янгиланаётган Конституцияга киритилаётган нормалар айнан ушбу иллатларнинг илдизига болта уришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

➔ 2

Марказий сайлов комиссиясида

# ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРЛИКЛАРНИНГ АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

*Кеча Марказий сайлов комиссиясининг видеоконференция шаклидаги навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлис кун тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида айрим вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари, референдумда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилишга оид масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда дастлаб референдумни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш борасида қатор вазирликлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга доир ахборотлари тингланди.

Хусусан, Рақамли технологиялар вазирлигининг ахборот-коммуникация технологияларининг соз ҳолатда бўлиши, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардия қўмондонлигининг Ўзбекистон Республикаси референдуми даврида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида МСК қарори ижросини бажариш, Энергетика вазирлигининг округ ҳамда участка комиссиялари биноларини узлуксиз электр таъминоти билан таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлари тўғрисида ахборотлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикасининг референдумида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги МСКнинг қарори билан МДҲ, МДҲ ПА, ЕХҲТ ДИИҲБ, ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ташкилотлардан ҳамда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Туркия, Кувайт, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатлардан жами 258 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.

Шунингдек, МСКга тушган мурожаатлардан келиб чиқиб, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 103 нафар, хорижий оммавий ахборот воситаларининг 24 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Бугунги кунга қадар аккредитация қилинган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 778 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлисда кун тартибига киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ БУГУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ҲАМ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА



*Янги Ўзбекистонни барпо қилиш жараёни мавжуд ҳуқуқий базани, айнан Асосий Қонунимизни тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этгани ҳеч кимга сир эмас.*

## Таҳлил

"Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак" деган ғоя лойиҳани ишлаб чиқишда асосий мезон вазифасини ўтади. Пировардида эса аҳолидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди ва муҳими, уларнинг аксарияти қонун лойиҳасидан ўрин эгаллади.

Умумхалқ референдумига қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда, аввало, ҳуқуқшунослар, олимлар, мутахассислар, экспертлар, муҳими, бутун халқимиз ижодий тафаккурининг бебаҳо маҳсули сифатида яратилган Конституциявий қонуннинг энг асосий жиҳатларига яна бир бор эътибор қаратишни ўринли, деб билдик.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойили мустаҳкамланаётганини алоҳида айтиш зарур.

Бош қомусда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилиб, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш ҳисобга олиниши, кафолатланган тиббий ёрдам, давлатнинг таълимнинг барча шаклига ғамхўрлик қилиши ва ўқитувчи мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда.

Маълумки, давлатларнинг доимий дўстликка асосланган муносабатини ривожлантириш ҳамда жаҳон ва минтақа даражасида тинчликни таъминлаш халқаро муносабатларнинг долзарб масалаларидан саналади. Шу маънода, янги таҳрирдаги Конституциямиз 18-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши қатъий белгиланаётганлигини таъкидлаш зарур.

Қайд этиш жоизки, тинчликсевар сиёсат деганда, давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий тизимлари ҳамда уларнинг ривожланиш даражасидан қатъи назар, эркинлик, тенглик, адолат ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, давлатлар ҳамда халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш тушунилади.

Лойиҳанинг 21-моддасида "Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас" деган норманинг мустаҳкамланаётгани ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур норма жисмоний ва юридик шахслар фақат Конституция ҳамда қонунчилик ҳужжатларида мажбурий этиб белгиланганидан ташқари, бошқа бирор-бир мажбуриятни бажаришга бурчли эмаслигини, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳам уларга қўшимча мажбуриятларни юклаш ваколатига эга эмаслигини англатади.

➔ 2 ва 3

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 7 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 7 апрелда маъқулланган

Кейинги вақтларда мамлакатимизда молия ва банк секторининг барқарорлигини таъминлашга, банклар томонидан қулай ва сифатли молиявий хизматлар кўрсатиш, шунингдек аҳолининг банкларга бўлган ишончини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга банк секторининг барқарорлигини таъминлаш, банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда уларнинг ресурс базасини кўпайтириш, шунингдек мазкур соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш зарурияти юзага келди.

Ушбу Қонун билан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банк устав капиталининг энг кам миқдорини 2025 йилнинг 1 январига қадар юз миллиард сўмдан беш юз миллиард сўмгача босқичма-босқич ошириб бориш тўғрисидаги талаблар жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари норезидентларга чет эл фонд бозорларига жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи берилган ҳолда, банкларнинг акцияларини улар томонидан сотиб олишга нисбатан чекловлар қисман бекор қилинмоқда.

Ушбу Қонун банкларни капиталлаштириш даражасини янада оширишга ва уларнинг ресурс базаларини кўпайтиришга, уларнинг иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёнларида иштирок этишини кенгайтиришга, шунингдек банк секторига чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк устав капиталининг энг кам миқдори:

2023 йил 1 сентябрга қадар юз миллиард сўмни;

2023 йил 1 сентябрдан эътиборан икки юз миллиард сўмни;

2024 йил 1 апрелдан эътиборан уч юз эллик миллиард сўмни;

2025 йил 1 январдан эътиборан беш юз миллиард сўмни ташкил этиши керак»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ташкил этилаётган ёки қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган банк устав капитали ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган, банк ташкил этилаётган ёки қайта ташкил этилаётган кундаги банк устав капиталининг энг кам миқдоридан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бунда банк устав капиталининг энг кам миқдори банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза бериладиган пайтгача банк муассислари томонидан шакллантирилган бўлиши керак. Ташкил этилаётган банкнинг устав капиталига киритилган маблағлар банкда очилган жамғарма ҳисобварағига ўтказилади.

Банклар ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатларда ўз устав капитали миқдорини мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштириши керак. Устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган банклар норезидентларга давлат улушини тўлиқ сотиш орқали хусусийлаштирилганда Марказий банк бошқаруви банк устав капиталини мазкур модданинг биринчи қисмида белгиланган энг кам миқдорга мувофиқлаштириш бўйича белгилангандан бошқа муддатларни ўрнатишга ҳақли»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **17-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно)»;

3) **22-модданинг:**

**бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**олтинчи – ўнинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи – тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 1-бандининг қоидалари мазкур Қонун амалга киритилгунига қадар юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 19 апрель
№ ЎРҚ—831

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДАН ЎРИН ОЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ҚОИДАЛАР

1 *Учрашув ва мулоқотларда фуқаролар Конституцияга киритилаётган барча янгилик, биринчи навбатда, инсон манфаатига хизмат қилиши, ундаги нормалар ҳамма учун тушунарли ифодалангани, Бош қомусда ҳар бир фуқарога дахлдор маълумотлар мавжудлигини айтиб, референдумда фаол иштирок этишларини билдирди.*

**Али ОҚМУРОДОВ,**
**Бахмал туманидаги “Дўстлик” МФЙ фаоли:**

— Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ҳар бир инсон ўз ҳаётида сезяпти. Сирасини айтганда, давлатимиз раҳбари жамиятимизга меҳр дунёсини олиб кирди, десак, муболаға эмас.

Янгиланаётган Конституцияда ҳам инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгиланмоқда.

Энг муҳими, Бош қомусимизда “шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги” мустаҳкамланаётир.

Киритилаётган ўзгартишлардан аҳоли жуда мамнун. Ишончим комилки, референдум юксак кўтаринкилик руҳида ўтади.

**Рустам ҲАМДАМОВ,**
**халқ депутатлари Ғаллаорол тумани Кенгаши депутати:**

— Мен конституциявий ислоҳотларнинг ҳар бир босқичини диққат билан кузатдим. Ҳатто Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисининг икки кун давом этган муҳокамасида айтилган ҳар бир фикр, киритилаётган янгиликларни эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

Эътиборимни тортган энг муҳим нормалардан бири, бу — фуқароларнинг давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиши давлат ҳисобидан кафолатланаётганидир.

Таъкидлаш жоиз, муҳтож фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга қурби етмагани боис уларнинг ҳуқуқлари чекланган деб қаралиши мумкин. Бунинг устига ҳозирда бепул юридик ёрдам фақат жиноят қонунчилиги доирасида кўрсатилади. Фуқаролик ишлари, меҳнат низолари ва бошқа йўналишларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилмайди.

Эндиликда фуқаролар нафақат жиноят ишлари доирасида, балки фуқаролик, меҳнат ва бошқа соҳаларда ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиши мумкин бўлади.

**Санобар ДЎСАЛИЕВА,**
**Бахмал туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

— Мамлакат тараққиётининг янги даврида ўқитувчиларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим соҳасини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўқитувчилар мажбурий меҳнатдан — пахта йиғимтерими, ободонлаштириш юмушларига жалб этилишдан халос қилинди, таълим даргоҳларидаги ортиқча қоғозбозликка чек қўйилди. Бу каби омиллар таълим сифатининг яхшиланишига, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашига, ўқувчиларнинг билими ошишига хизмат қиляпти.

Айниқса, янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик кўрсатиши белгиланаётгани эътиборга моликдир.

Ишонаманки, мазкур норма устоз ва мураббийлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматининг мустаҳкам ҳимояланишига хизмат қилади.

**Бахтиёр АКРОМОВ,**
**Ғаллаорол туманидаги “Сарбозор” МФЙ фаоли:**

— Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлақонли жорий этилмаганлиги ҳақиқий мулкдорлар қатламининг етарлича шаклланмаслигига, ерни ҳақиқий товар сифатида бозор муомаласига киритилмаслигига ҳамда хорижий инвесторларнинг миллий иқтисодиётга нисбатан ишончи пасайишига олиб келди.

Бугунги кунда фуқароларнинг уй-жойлари, тадбиркорларга тегишли бинолар жойлашган ер участкалари уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли эмас, яъни бино ўзиники, ер давлатники. Ваҳоланки, бозор иқтисодиёти ер ҳам хусусий мулк асосида уларга тегишли бўлишини талаб этади.

Янгиланаётган Бош қомусимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Ҳеч бир муболағасиз ушбу норма янгиланаётган Конституциямиздаги ҳақиқий инқилобий янгиликлардан бири сифатида мулкчилик муносабатларидаги катта кемтикни тўлдирди, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди.

Барчамиз эртанги кунимизни белгилаб берадиган тарихий ҳужжатга бефарқ бўлмаймиз.

*Ҳудуддаги учрашув ва мулоқотлар давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ҲАМ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ

1 Бу эса амалиётда айрим ҳолатларда учраб турадиган бирор-бир қонунда кўрсатилмаган мажбуриятни ёки қандайдир вазифани (масалан, жамоат ишларига жалб қилиш, иш вақтидан ташқари ёки дам олиш кунлари ишлаш) ташкилот раҳбари томонидан ходимга юклаш каби салбий ҳолатларга қатъиян чек қўяди.

Таъкидлаш лозимки, дунёдаги барча ўзбеклар ўзаро маданий алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида чет элда тахминан 500 дан ортиқ ўзбек миллий-маданий марказлари фаолият юритади.

Шундан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 23-моддасида “Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади”, деган норма белгиланмоқда.

Бу чет элда яшаётган, ишлаётган, таълим олаётган юртдошларимизнинг Ўзбекистон билан доимий алоқада бўлишига, тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришга, ўзларининг тарихий Ватани — Ўзбекистон обрўсини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшишларига хизмат қилади.

Аёнки, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқи бўлиб, у мамлакатда ўлим жазосини белгилаш, тайинлаш ва ижро қилишни инкор этади. Ўлим жазоси энг оғир жиноий жазо бўлиб, у қўлланиладиган деярли барча давлатларда ўта оғир, инсон ҳаётига қасд қиладиган жиноятлар учунгина кўзда тутилган.



Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 25-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади” деган норма мустаҳкамланмоқда. Шу ўринда айтиш керак, 1994 йили қабул қилинган Жиноят кодексидаги 33 та модда бўйича ўлим жазоси тайинланиши мумкин эди. Кейинчалик жиноий жазолар либераллаштирилиб, 2008 йилгача қонунчиликка мувофиқ икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси қолдирилган. 2008 йил 1 январдан барча жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинган. Конституцияга киритилаётган ўзгартиш нафақат ўлим жазосини бекор қилишни, балки қатъий равишда Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланиши ва қайта тикланмаслигини кўзда тутади.

Конституцияга бу норма киритилиши билан Ўзбекистон инсонпарварлик ғояларига содиқлигини намоён этади, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўлим жазосини қайтариш бўйича ҳар қандай ташаббусларга барҳам беради. Пировардида эса ҳар бир инсоннинг, ҳатто, у жиноят содир этган бўлса ҳам, яшаш ҳуқуқининг кафолатланишига хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, ўлим жазоси муайян даражада жиноятчиликнинг олдини олишга йўл очади. Аммо бу охирги ечим эмас. Масалан, ўлим жазоси қўлланди дейлик, лекин унинг салбий жиҳатлари ҳам бор. Суддаги хатолик сабабли айбсиз бўлган шахсларнинг ўлимга ҳукм қилинган ҳолатлари ҳам кўплаб топилади. Бунга ўтган асрнинг ўттизинчи йилларини мисол келтирса бўлади. Масалан, Қодирий, Чўлпон, Элбек, Фитрат ва бошқа юртдошларимиз қатағон қурбони бўлгандан кейин, оқланяпти. Буни ортга қайтариб бўлмайди.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда айбсизлик презумпцияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси 28-моддасида гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган қуйидаги кафолат белгиланмоқда: “айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”.

Айтиш лозимки, муайян жиноят иши бўйича суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракатлари, суд эса суд тергови орқали далиллар тўплайди. Айрим ҳолатларда тўпланган далилларни баҳолашда уларга нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бунда шубҳалар айблов томонга ишлатилиши керакми ёки ҳимоя фойдасигами, деган савол юзага келади.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига киритилаётган ушбу норма бундай вазиятда айбдорликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг фойдасига ҳал этилишини қатъий мустаҳкамламоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 32-моддасида “Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно”, деган норма ҳам киритилаётир.

Сир эмаски, мамлакатимизнинг яқин ўтмишида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асоссиз чекловчи қонуности ҳужжатлари мавжуд эди. Масалан, баъзида фуқароларимиз пойтахтга келиш учун йўллардаги назорат постларидан паспортсиз ўта олмас эди, уларнинг билим олиши, даволаниши, ишлаши ёки қариндошларини кўриши учун пойтахтга келиб туришида ҳам қийинчиликлар мавжуд эди.

Фуқароларимизнинг хорижга чиқиши учун эса рухсатнома (стикер) расмийлаштириш талаб қилинарди. Бундай тўсиқларнинг аксарияти Ҳаракатлар стратегияси доирасида бартараф этилди, хусусан, йўлларда назорат постлари олиб ташланди, “прописка”, хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) расмийлаштириш тартиби бекор қилинди.

Бу эса Ўзбекистон ҳудудида бўлиб турган ҳар ким республиканинг хоҳла-

Биз ва жаҳон

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖДАГИ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ БОШЛАНДИ

*19 апрель куни мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган референдум участкаларида Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича референдумда муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди.*

Референдумда фуқароларимиз очиқ-ошкора, қонунчилик талабларига мувофиқ тарзда овоз бериш жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Ватандошларимиз Ўзбекистон Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб, ушбу масала бўйича ўз овозларини бераётир.

Энг яқин референдум сайлов участкалари ҳақидаги маълумотни “Дунё” АА томонидан ишлаб чиқилган ва 12,5 мингдан ортиқ кишилар фойдаланган участка сайлов комиссиялари манзилларининг электрон харитасидан олиш мумкин.

Референдум участкалари Ўзбекистон Конституциясининг янгиланаётган лойиҳаси, референдумга оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий ахборотномалар, плакатлар, Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар, шунингдек, референдум участкаси учун махсус жой, стационар қутилар, референдум ўтказиш кабинаси, Ўзбекистон байроғи, давлат герби ва бошқа керакли жиҳозлар билан тўла таъминланди.

Илк сайловчи ватандошлар Россиянинг Камчатка ўлкаси ва Узоқ Шарқ федерал округининг “Восточний” космодромида маҳаллий вақт билан соат 09:00да (Тошкент вақти билан соат 02:00 ва 05:00) ўз овозларини берди.

Тошкент вақти билан эрталаб соат 5.00 да Жанубий Кореянинг Чонжу, Коже, Почон шаҳарларида ташкил этилган муддатидан олдинги референдум ўтказиш жойларида овоз бериш жараёни қизғин руҳда бошланди.

Қувонарлиси, референдумда қатнашаётган фуқароларимизнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади ва улар орасида илк марта овоз бераётганлар ҳам талайгина.

“Бугун биринчи марта референдум жараёнида иштирок этишим, — деди Жанубий Кореянинг Вусок университети талабаси Камолиддин Шамситдинов. — Юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, шунингдек, Конституциямизга киритилаётган ўзгартишлар ҳамда янги нормалар фақат инсон манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода, янгиланаётган Бош қомусимиз ёрқин келажагимиз пойдевори бўлади, деб ишонч билан айта оламан”.

Мамлакатимизнинг Ростов-Дон шаҳридаги Бош консуллиги ҳузурида тузилган 32-референдум округи сайлов комиссияси аъзолари муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш учун Россиянинг Краснодар шаҳрига жўнаб кетди.

Овоз бериш жараёнида Краснодар шаҳридаги “Юнона” консерва заводида вақтинча ишлаётган Ўзбекистон фуқаролари қатнашмоқда.

“Бугун биз конституциявий ҳуқуқимиздан фойдаланиш ва фуқаролик бурчимизни бажариш учун келдик, — деди сайловчилардан бири Жавоҳир Самадов. — Мен ўз танловимни билдирдим, бу Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилади, деб ўйлайман”.

Мамлакатимизнинг Куала-Лумпур шаҳридаги элчихонаси ҳузуридаги 25-референдум ўтказувчи участкасида Малайзияда истиқомат қилаётган ватандошларимиз фаол иштирок этмоқда.

Хўжанд ва Истаравшан шаҳарларида Тошкент вақти билан соат 9.00 да муддатидан олдин овоз бериш жараёнига рухсат берилди. Унда Тожикистоннинг Сўғд вилоятида яшовчи Ўзбекистон фуқаролари қатнашяпти.

Тошкент вақти билан соат 13.00 да Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси ҳузурида ташкил этилган 9-референдум ўтказувчи участкаси очилди. Ватандошлар билан ўтказилган суҳбат давомида, улар яратилган қулайлик учун хурсандликларини айтиб, миннатдорлик билдиришди. Сайловчилар бундай муҳим сиёсий тадбир ўзбек халқини бирлаштиришини ва референдумда берилган ҳар бир овоз Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишини таъкидлашди.

Дубай шаҳрида вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон фуқаролари ҳам муддатидан олдин овоз беришда референдум қонунчилиги талабларига мувофиқ тарзда ўз танловларини амалга оширяптилар.

Муддатидан олдин овоз бериш пунктларига охирги бўлиб АҚШдаги ўзбекистонликлар ташриф буюради.

Бундан ташқари, хориждаги барча сайлов участкаларида референдумга тайёргарлик кўриш, шунингдек, Ўзбекистон фуқаролари учун муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш бўйича комиссияларнинг мажлислари ўтказилмоқда.

Бир кун аввал Ўзбекистон элчиси Виталий Фен Жанубий Кореяда очилган иккита референдум участкаси ватандошлар ўз хоҳиш-иродасини билдириш учун тўлиқ тайёрлигини маълум қилди.

Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари хорижда вақтинча ва доимий истиқомат қилаётган ватандошларимизни 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга ва ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишга чақиради.

Мамлакатимиз фуқаролари ўз тақдирлари ва Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим бўлган танловни амалга оширмоқда.

**«Дунё» АА.**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛЯПТИ

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасини кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган тарғибот тадбирларида фаол иштирок этаётганидан хабарингиз бор.*

Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Сенат аъзоси Манзура Салимова Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда 57-оилавий поликлиникада бўлиб ўтган учрашувларда қатнашди ва тиббиёт ходимларига конституциявий қонун лойиҳаси, мазкур ҳужжатнинг аҳамияти, муҳим жиҳатлари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Айниқса, сенатор аҳоли саломатлигини асраш ва соғлиғини сақлашнинг конституциявий асослари мустаҳкамланаётгани, янги таҳрирдаги Бош қомусда аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайгани ҳамда илк маротаба ҳар бир инсоннинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи ва аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи Конституция даражасида эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қува туманидаги харбий қисмлардан бирида Ватанимиз посбонлари ва уларнинг оила аъзолари билан кечган мулоқотда сенатор М. Салимова Конституциявий қонун лойиҳасининг аҳамияти ва унинг муҳим жиҳатларига батафсил тўхталди.

Хусусан, янгиланаётган Конституцияда маҳалла тузилмасига қаратилаётган эътибор, яъни ушбу халқчил тузилма ваколатлари кенгайтирилаётгани тўғрисида сўз юритилди. Алоҳида айтиб ўтилганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда маҳалла тузилмасига аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланганини муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

Эзгулик

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

*Меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховатпешалик ва инсонпарварлик каби фазилатлар халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Бу борадаги эзгу амаллар кўлами, айниқса, муборак Рамазон ойида янада кенгаяди.*

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан Сурхондарё вилоятидаги Ҳайратон чегара ўтказиш пункти орқали қўшни Афғонистон халқига навбатдаги инсонпарварлик ёрдами жўнатилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат 185 тоннадан ортиқ юклар карвони қўшни мамлакатнинг Балх вилояти шимолидаги Ҳайратон шаҳрига етказилди. Инсонпарварлик ёрдами таркибида 48 тонна ун, 48 тонна буғдой, 15,7 тонна ўсимлик ёғи, 10 минг 20 дона консерваланган гўшт маҳсулотлари, 22 тонна макарон, 24 тонна шакар ва 100 минг дона тез тайёрланадиган лапша бор.

Шу муносабат билан Ҳайратон шаҳридаги “Астрас” компанияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Анвар Орипов, Афғонистон иқтисодиёт вазири Дилмуҳаммад Ҳаниф ва бошқа расмийлар иштирокида инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўз навбатида, икки давлат расмийлари иштирокида ҳудудларнинг ўзаро савдо-иқтисодий ҳамда гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди.

Афғонистонлик расмийлар муборак Рамазон ойида кўрсатилаётган амалий ёрдам учун Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИСТАКЛАРИ ТЎЛИҚ АКС ЭТТИРИЛМОҚДА

*Ислоҳотлар қачон муваффақият қозонади? Агар унда инсон манфаатлари устувор аҳамият касб этган бўлса! Яна-чи? Яна у вақт ва макон тақозоси, давр эҳтиёжи бўлса. Тараққиётнинг ҳуқуқий таъминотини тубдан такомиллаштириш фурсати пишиб етилган бўлса!*

## Бир модда шарҳи

Ўзбекистонда ана шундай зарурат беш-олти йил аввал юзага чиққани эксперту мутахассислар, мансабдору мутасаддиларга яхши аён. Таққослама таҳлиллар олдинроқ бошлангани рост.

Хўш, унда нега конституциявий ислоҳот ташаббуси фақат ўтган йилга келиб илгари сурилди? Боиси Бош қомусимизнинг қайси меъёрлари замон талабига мос келмай қолганини чуқур таҳлил қилиш, қолаверса, қарийб 30 йил муқаддам тасдиқланган нормаларнинг айримлари эскирганини ҳар бир шахс ўз ҳаёти мисолида тушуниб етиши учун муайян муддат керак эди.

Юқорида алоҳида таъкидланганидек, мамлакат аҳолисининг барча қатлами қарашларини ифодалайдиган, шунингдек, халқаро конвенциялар ва жаҳон ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларни инкор этмайдиган лойиҳани ишлаб чиқиш осон кечгани йўқ. Ҳар бир сўз, ҳар бир сатрда инсон қадри улуғлигини акс эттириш ўта машаққатли кечди. Турли кодекс ва қонунлардаги баъзи нормаларни Конституция даражасига кўтариш масаласи қайта-қайта экспертизадан ўтказилди. Натижада ҳамма бирдек наф кўрадиган ҳужжат шаклига келди. Аксарият одамлар янгиланаётган Конституция матнига нисбатан позитив фикр билдираётгани, очиқ-ошкора объектив хулосалар бераётганининг сабаби ҳам шунда, аслида.

Мулоҳазаларимизни аниқ мисолларда асослаб баён этишга ҳаракат қиламиз. Масалан, лойиҳанинг 28-моддасини олайлик. Олти қисмдан иборат бу моддада қатъий белгилаб қўйилаётган меъёрлар сиз билан бизга қанчалик тааллуқли бўлиши бароборида эркинлигимиз учун шунчалик долзарб эканини англаш учун юрист ё сиёсатчи бўлиш шарт эмас. Ушбу моддада “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади”, деб белгилаб қўйилмоқда. Кўриб



турганингиздек, ойдек равшан қоида.

Инсон манфаатини олий ўринга қўйиш шу модданинг кейинги қисмларида тобора юқори поғоналарга кўтарилиб боради. Мана қаранг: “Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”.

Бундан ҳам муҳим жиҳати шундаки, янги Конституция ҳаётга жорий этила бошлангач, қилмаган ишингиз учун ўзингизни оқлашга ҳожат қолмайди. Гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги билан боғлиқ норма буни кафолатлайди.

На прокурор, на терговчи ёки бирор амалдор ҳеч кимни ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбурлай олмайди. Чунки айни шундай талаб ҳам Бош қомуснинг ўзида аниқ кўрсатиб қўйилмоқда.

Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга эски тузумдан мерос бўлиб қолган “догма”лар ҳам барҳам топади. Уларнинг ўз фаолиятига ёндашуви фуқароларни жазоловчиликдан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимояловчига, поймол этилган ҳуқуқларни тикловчиликка ўзгартирилади.

Зеро, Бош қомусимизда агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Бир пайтлар кимдир қамалса, адашиб боши берк кўчага кириб қолган бўлса ёхуд масъул лавозимда ишлаб туриб “урилса” унинг оиласидагилар учун деярли барча эшиклар ёпиларди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларида хизмат қилишга ҳар томонлама муносиб фарзанд отасининг бир замонлардаги хатоси учун ишга киролмасди. Энди ундай бўлмайди.

Бундай ҳолатни тўлиқ тугатиш мақсадида қуйидаги норма, таъбир жоиз бўлса, катта ҳарфларда аниқ-тиниқ ёзиб қўйилмоқда: “Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас”.

Асосий Қонунда инсонга қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланаётганини қайд этиш жоиз. Ушбу қоида давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда бажариши билан боғлиқ масъулиятини янада оширади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиздан ўрин олган янгиликлардан яна бири — ҳар бир шахснинг республика ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан ташқарига чиқиш ҳамда Ўзбекистонга монеликсиз қайтиш ҳуқуқи мустаҳкамланаётганидир.

Сир эмаски, яқин ўтмишимизда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асоссиз чекловчи қонуности ҳужжатлари мавжуд эди. Масалан, баъзида пойтахтга келиш учун йўллардаги назорат постларидан паспортсиз ўта олмас эдик. Эндиликда мазкур конституциявий қоида киритилиши билан эркин ҳаракатланиш қадрият даражасида олий ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топмоқда.

**Сардор ҒИЁСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БУГУНИМИЗ ВА КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН АҲАМИЯТГА ЭГА

ган жойига бориш, саёҳат қилиш, билим олиш, ишлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини беради.

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш ҳамда мулкдор ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 47-моддасида қуйидаги нормалар акс этмоқда: “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади”.

Мазкур модда билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланмоқда: суд кафолати ва уй-жой учун компенсация олиш кафолати.

Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади. Бу кафолат уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорнинг эрки-хоҳишидан қатъи назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. Бунда суд томонидан мулк ҳуқуқининг бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равишда уй-жойидан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Иккинчи кафолат мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилганлиги билан эътиборлидир. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорнинг шу уй-жой ва етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Бу норманинг киритилиши уй-жой мулкдори ҳуқуқларини кафолатли таъминлашга, уй-жойлар ноқонуний олиб қўйилиши билан боғлиқ низоли ҳолатларнинг олдини олишга, суд ҳимоясини кенгайтиришга хизмат қилади.

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши аниқ белгиланмоқда.

Қайд этиш лозимки, қабул қилинаётган қонунларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоялашдан иборат бўлиб, кимгадир ортиқча мажбурият ёки харажат юкламаслиги керак. Аксинча, қонунлар инсонлар оғирини енгил қилиб, турмуш тарзи фаровон кечишини таъминлаши лозим.

Лекин қонунда шахсга нисбатан унинг ҳаракатига мутаносиб бўлмаган ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилса-чи? Ушбу ҳолатни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Дейлик, фуқаронинг ипотека кредитидан 3 миллион сўмлик уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, банк қарздорни судга беради. Лекин бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг тўланмаган қисмига, дейлик, 250 миллион сўмга нисбатан берилади. Суд аризани кўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортиқ давлат божи ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. 3 миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион давлат божини қандай тўлайди? Бу мисолдан кўриш мумкинки, суд қўллаган ҳуқуқий таъсир чораси мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб эмас.

Шу нуқтаи назардан, бу қоида давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш имкониятини кенгайтиради ҳамда инсонга қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда “Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мослигини текшириш ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқиш Конституциявий суднинг ваколати сифатида Конституцияда акс эттирилиши лозим”лигини таъкидлаган эди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Бош қомусимиз лойиҳасининг 133-моддасига фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли эканлигига оид махсус норма киритилди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи Бельгия, Венгрия, Германия, Латвия каби хорижий давлатлар конституцияларида ҳам белгиланган.

Фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилаётганлигининг аҳамияти шундаки, Конституцияга зид бўлган қонунлар амалиётда қўлланилаётган бўлса, уларнинг Конституцияга мувофиқлигини вақтида таъминлашга, Конституцияга номувофиқ қонунлар билан келгусида бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга, Бош қомус устунлигини таъминлашга, Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, янгиланаётган Конституция ўз мазмун-моҳияти ва қамрови билан нафақат бугунги кун, балки мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишончимиз комилки, бутун халқимиз референдумда фаол иштирок этиб, эл-юртнинг истиқболи учун овоз беради.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

Мушоҳада

# ҲУҚУҚЛАРИМИЗ, ЭРКИНЛИГИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ

*Сир эмас, кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бунга “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида олиб борилаётган ишлар мисолида яққол гувоҳмиз.*

Ёдингизда бўлса, Президентимиз аҳоли билан учрашувларининг бирида “Одамлар эртага эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак”, деган эди. Худди мана шу ҳаракат-ғоя Ўзбекистоннинг бош сиёсатига айланди, ислоҳотлар асосини ташкил қилди. Пировардида ижтимоий-сиёсий ҳаётда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самараси юртдошларимизнинг ҳаёти, тақдирида ҳам акс этмоқда. Айнан шу ҳаётбахш ҳаракатларнинг ҳаётимиз Бош қомусига жо бўлиши эса чинакамига катта сиёсий воқеа.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш ва унинг муҳокамаси жараёнида юртдошларимизнинг фаоллиги яққол кўзга ташланиб турди. Олдинда эса муҳим тадбир ва унга ҳам саноқли кунлар қолди. Муҳими, бугун жамиятимиз айнан шу ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланажак катта тадбирга бефарқ эмас. Зеро, 30 апрель куни биз ўзимиз, шаънимиз, қадр-қимматимиз учун овоз берамиз. Миллионлаб овозлар ичида ҳар биримизнинг овозимиз қанча муҳим роль ўйнаши мумкинлигини ҳис этиб турибмиз.

**Халқ муҳокамасига қўйилган янги таҳрирдаги Конституция юзасидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган. Бу шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларда халқимизнинг чин маънода хоҳиш-иродаси акс этган. Мана шунинг ўзи бугун одамлар, жамият ўзгараётганидан даракдир. Таклифлар, эътирозлар инобатга олинди ва натижада Конституциявий комиссия аъзолари томонидан амалдаги Конституциянинг 128 та моддаси 155 тага кўпайди.**

Яна бир жиҳатни айтиш жоиз. Давлат раҳбари ҳам янгиланаётган Конституция лойиҳасига қатор нормаларни киритиш бўйича таклифларини илгари сурди. Жумладан, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиши, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим. Ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва унинг кафолатлари айнан Конституция даражасида мустаҳкамланиши керак, деб таъкидлагани таҳсинга лойиқ.

Янгиланаётган Конституциянинг 31-моддасида: “Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон хабарлари ҳамда бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларни ҳимоя қилиш, шунингдек, нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек, унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади”, деб белгилаб қўйилди.

Бу инсон қадр-қиммати, шахсий ҳаёт дахлсизлиги Конституцияда мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Биргина мана шу модда учун ҳам ўз Конституциямизга овоз бераман. Сизни ҳам янгиланаётган Конституциямизга овоз беришга чақираман.

**Маъруфжон ЖАЛИЛОВ,**
**«Ўзбекистон Миллий метрология институти» ДК директори ўринбосари.**

Фикр

# ХАЛҚ ҚОМУСИГА АЙЛАНАЁТГАН ҲУЖЖАТ

*Бугун ким билан учрашманг ёки суҳбатлашманг, барчанинг диққат-эътибори янгиланаётган Конституцияда эканлигига гувоҳ бўласиз. Албатта, бу бежиз эмас. Сабаби, янги таҳрирдаги Конституциянинг муҳим моҳияти унинг мамлакатимиздаги барча аҳоли қатлами манфаатлари ҳамда жамиятдаги хилма-хил қараш ва нормаларни ўзида мужассам этганидир.*

Масалан, Бош қомусимизда шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги белгиланмоқда. Яъни шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт.

Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилгандир. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш кўлами янада кенгаяди.



Шунингдек, илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Бош қомусимизга киритилаётган “Хабеас корпус” институти ва “Миранда қоидаси” тамойиллари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолати бўлиб, умумэътироф этилган институтларнинг Конституция даражасида кучайтирилаётганидан далолат беради.

“Миранда қоидаси”нинг янгиланаётган Конституциямизда мустаҳкамланиши жиноят ишининг ҳолис тергов қилинишини таъминлайди, суриштирув ва тергов органлари томонидан ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар ҳамда тақиқланган усуллар қўлланилишининг олдини олади.

Ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон хатлари ҳамда бошқа хабарлари сир сақланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланяпти. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгилаб қўйилмоқда.

Янгиланаётган Конституциямизда жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбдорликка оид барча шубҳа, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд этилмоқда.

Мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилувчи қоида бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортилишдан ҳимоялайди.

Шу билан бирга, Асосий Қонунимизда ҳар ким агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги ҳам мустаҳкамланяпти. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг росмана халқ Конституцияси эканлигини кўрсатувчи яна бир муҳим жиҳат — айбдорликка оид барча шубҳа, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд этилаётганидир. Ушбу норма тўғридан-тўғри амал қилувчи қоида бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортилишдан ҳимоя қилади.

Умуман олганда, янги таҳрирдаги Конституциямизда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олинган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар бир неча каррага ортмоқда. Демак, Бош қомусимизни том маънода халқ Конституцияси бўлмоқда, десак, хато бўлмайди.

**Даврон АРИПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: ИЛҒОР ЁНДАШУВ ВА ЕЧИМЛАР

*Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б. Тожиев Бутунжаҳон Ер кунига бағишлаб ўтказилган “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда деградацияга учраган тупроқларнинг интеграллашган бошқаруви ва мелиорацияси: янги ёндашувлар ва инновацион ечимлар” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда қатнашди.*

Конференция

Халқаро анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизнинг иқтисодий ва экологик барқарорлигини таъминлашда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда, қишлоқ хўжалиги тараққиётида, шубҳасиз, тупроқ ва ер ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумотларга кўра, ҳозирда сайёрамизда 1,5 миллиард гектар ерга қишлоқ хўжалиги экинлари экилади ва дунёда ҳар йили 8 — 10 миллион гектар унумдор ер деградацияга учрамоқда. Дунё бўйича суғориладиган ерларнинг деярли 25 фоизи турли даражада шўрланган. Яна бир глобал экологик муаммо — ерларнинг саҳроланиши бўлиб, қитъаларнинг 36 — 40 фоизи чўлга айланган, ҳар йили 25 миллион гектар ер саҳрога айланмоқда.

Б. Алихонов маърузасида урғу берганидек, сўнгги йилларда юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан, жумладан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда, ерларни муҳофаза қилиш, шўрланишини камайтириш ва олдини олиш, иқлим ўзгариши салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда соҳада инновацион технологияларни қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти.

Ўз навбатида, анжуманда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун иқлим ўзгариши шароитида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг экологик, илмий-инновацион, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, чўлланишга қарши кураш ва “ернинг деградацияси нейтраллигига” эришиш йўллари, Оролбўйида тупроқ деградациясига қарши курашнинг назарий асослари ва инновацион технологиялари муҳокама марказида бўлди. Рақамли тупроқшунослик ва агрокимё, яйловларнинг таназзулга учраган тупроқлари маҳсулдорлигини ошириш, агроэкобиотехнологиялар, юқори малакали тупроқшунос ва агрокимё мутахассисларини тайёрлаш каби масалалар ҳам эътибордан четда қолмади.

**«Халқ сўзи».**

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТИЗИМЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

*Тараққиёт ҳеч қачон бир жойда туриб қолмайди. Айниқса, XXI асрда глобаллашув ва ўзаро ҳамжиҳатликда ривожланиш сиёсати ҳаётий эҳтиёжга айланаётган бир шароитда янгича дунёқараш ҳамда ижтимоий-сиёсий тутумларни ўзгартириш талаби юзага келади.*

Муносабат

Шу маънода, Президентимизнинг одилона сиёсати, букилмас халқпарвар иродаси билан бошланган ислоҳотлар жамиятдаги қарашлар ва тақдирларни тубдан ўзгартириб юборди. Агар бу ўзгаришларга қисқа таъриф бериш мумкин бўлса, уни “Янги Ўзбекистон феномени”, деб атаган бўлардим.

Янгиланиш руҳи ижтимоий-сиёсий қоидаларни ҳам такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтиради. Бу жараёнда халқимиз сиёсий онги ўсиб, янгиланиш ислоҳотлари янги қонунчилик базасини талаб қилиши ҳам кундек равшан.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда бошланган конституциявий ислоҳотлар замирида халқимиз узоқ йиллар орзиқиб кутган ва янги Ўзбекистон шароитида амалга оша бошлаган орзу-умидлар рўёбининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш хоҳиш-иродаси мужассам топган.

Янгиланаётган Конституция ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Лекин улар орасида жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бир норма борки, бу таълим сиёсати билан боғлиқ.

Бош қомусимизнинг 51-моддасида шундай дейилади: “Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.

Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга”.

Мана шу модданинг ўзиёқ жамиятимизнинг мутлақо янги қиёфаси шаклланганидан далолат беради. Демоқчимизки, ҳар қандай давлат ривожланишининг бош асоси, бу — таълимга киритилган инвестиция билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган.

Шу маънода, олий таълим тизимидаги бир қатор ўзгаришларни санаб ўтмоқчимиз. 2020 йил 23 сентябрда янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун тизимда муҳим ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб бергани билан муҳим роль ўйнади.



Бу нималарда акс этди? Таълим ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд бўлган маблағлар доирасида мустақил равишда иш ҳақига, лавозим маошларига табақалаштирилган устамалар белгилашга ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда уни рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга рухсат берилди. Шу асосда бугун аксарият олий таълим муассасалари хизмат вазифасини виждонан ва самарали бажарган профессор-ўқитувчилар ва ходимларига ойлик устамалар бермоқда.

Олий таълим олиш имкониятларини ошириш, олий маълумотли кадрлар салмоғини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирлар қўлланиб, ўқишга қабул қилиш тартибига ўзгартиришлар киритилди, шунингдек, абитуриентлар учун бир қанча имтиёзлар белгиланди.

Жумладан, давлат олий таълим муассасаларига қабул жараёнида абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўтказиш, ўтиш балидан паст балл тўплаган талабаларни тартибга мувофиқ табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида бакалавриатга ўқишга қабул қилиш, бештагача бакалавриат таълим йўналишини ҳамда бир вақтнинг ўзида барча таълим шаклларини танлаш тартиби жорий этилди.

Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар фарзандлари, терроризм, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимлари фарзандлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятида юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари, олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун алоҳида қабул квоталари ажратилмоқда.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасаларига академик мустақиллик, мустақил ташкилий-бошқарув бўйича эса қўшимча ваколатлар берилди. Жумладан, таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-шартнома асосида ўқитиш қийматини, талабалар тўлов-шартнома маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш ваколати тақдим этилди.

Шунингдек, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган миллий ҳамда хорижлик профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш, ўқув-илмий жараёнларга йўналтирилган хорижлик мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш, профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш, ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш каби ҳуқуқлар назарда тутилган.

Бундан ташқари, молиявий мустақил давлат ОТМларига ўқув режалари, дастурлар, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқиш шаклини, бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари учун билим олиш давомийлиги муддатини белгилаш, ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш, чет давлат фуқароларини тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш ваколатлари берилди.

Умуман олганда, Конституциямизнинг янги таҳририда олий ўқув юртларига оид қоидаларни мустаҳкамлаш олий таълим билан қамровни кенгайтиришга, маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар таъсирчанлигини оширишга, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилашга, давлат ОТМлар молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлашга, уларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, олий таълим йўналишида халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингидан муносиб жой эгаллаб, олий таълим мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради. Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириб, бошқарув фаолиятини такомиллаштиради. Таълим жараёнига рақамли технологиялар ҳамда замонавий усулларни жорий этишга, олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлашга, таълим фаолиятининг амалиётда самарали натижалар қайд этишига имкон яратади.

**Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, профессор.**

# ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ:
# ЯНГИ ҒОЯ, ЯНГИ ФИКР ЭРТАНГИ КУНГА ПОЙДЕВОР



*Бугун энг қимматбаҳо капитал — ғоя! Инновацион ривожланишнинг пойдевори шу. Айни сабабдан интеллектуал дунёда илғор, креатив ва новаторлик ғояларига талаб ниҳоятда катта. Буни чуқур англаган мамлакатлар ўз тараққиёт йўлини белгилашда илм-фанга суяниб, оламшумул натижаларга эришаётгани айни ҳақиқат.*

*Ана шундай шароитда янги Ўзбекистон қисқа давр ичида илғор давлатлар сафига қўшилишни стратегик мақсад сифатида белгилаган. Бу юксак маррага эришиш учун эса бизга салоҳиятли кадрлар, фундаментал тадқиқотлар, инновацион ишланмалар зарур.*

*Бу борадаги ислоҳотлар мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илмий-тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш, инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жадал татбиқ этишда кўзга яққол ташланмоқда. Хусусан, 2023 йилга юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилишининг ўзиёқ бу йўлдаги қатъият ва шижоатимизни яна бир бор намоён қилди.*

## Изланиш

### Глобаллашув даврига мос кадрлар тайёрлаймиз



Фарғона политехника институти — муҳандислик сир-асрорларини ўргатишга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаси. Аммо инсоният зиммасидаги аксарият оғир юмушлар роботларга юкланаётган, ўта масъулиятли вазифаларнинг бир қисми сунъий интеллект ихтиёрига ишониб топширилаётган бугунги глобаллашув даврида анъанавий таълим ёндашувлари билан пешқадамликка эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, институт масъуллари халқаро талабларга мос рақобатдош кадрлар тайёрлаш учун илғор ёндашувларни амалиётга татбиқ этишга киришган.

Бунинг учун, аввало, муассасамизда юқори малакали педагоглар жамоаси шакллантирилди. Ҳозир 600 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ёшларга замонавий илм-фан сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Уларнинг 31 нафари фан доктори ва 170 нафари фан номзодларидан иборат.

Фан ва таълим интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида мавжуд 7 та факультет фаолияти замон талабларига мослаштирилди. Натижада жорий ўқув йилидан 36 та бакалавр таълим йўналиши яна 15 тага кўпайтирилди. Шу аснода "Биотиббиёт муҳандислиги", "Сунъий интеллект", "Банк иши ва аудит", "Йўл ҳаракатини ташкил этиш", "Транспорт логистикаси", "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш", "Молия ва молия технологиялари", "Рақамли иқтисодиёт", "Муқобил энергия манбалари", "Ахборот тизимлари ва технологиялари", "Телекоммуникация технологиялари", "Профессионал таълим" каби мутахассисликлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

### Халқаро рейтингда ўз ўрнимиз бор

Ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам янгиланмаслиги табиий. Бу омил институтимизда "ECTS"га асосланган кредит-модуль тизимини жорий этиш учун асос бўлди. Мазкур янгилик талабаларга ўқишнинг маълум қисмини хорижий олий таълим муассасаларида давом эттириш ва улар билан алоқаларни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Янгидан шакллантирилган фанлар мажмуаси муҳандислик бўйича билимларни чуқур эгаллашга йўналтирилган. Таълим жараёни ва дарсликларимиз халқаро стндартларга мос бўлиб, улар нуфузли таълим ташкилотлари томонидан тан олинган.

Асосийси, бу ерда машғулотлар фақат назария билан чекланиб қолаётгани йўқ. Қолаверса, дарсларни амалиёт билан уйғунлаштириш ҳам чегара эмас. Биз талабаларнинг илмий тадқиқотлар олиб боришини кенг рағбатлантириш йўлидан боряпмиз. 332 мингдан ортиқ китоб фондига эга Ахборот-ресурс марказимиз ёшлар ихтиёрида. 110 дан кўп хорижий олий таълим муассасалари ва 20 та халқаро ташкилот билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Қолаверса, 3 та университет билан қўшма таълим дастурлари жорий этилган.

Айни чоғда АҚШ, Италия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Япония, Россия, Латвия, Португалия, Миср Араб Республикаси, Буюк Британия каби давлатларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассисларини институтимиздаги таълим жараёнига жалб этдик. Ҳозир улар талабаларга илғор ёндашувлар асосида сабоқ бермоқда. Ўз навбатида, йигит-қизларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида турли илмий ва спорт тўгараклари, маънавий-маърифий клублар фаолиятини йўлга қўйганмиз. Халқаро танловлар ва беллашувларда иштирок этувчи жамоалар ҳам шакллантирилган.

Амалга оширилаётган бундай тизимли чора-тадбирлар ўз амалий натижасини бераётир. 2021 йилда Фарғона политехника институти илк бор "Times Higher Education" халқаро рейтинг ташкилотининг "THE Impact Ranking" рейтингидан ўрин эгаллади. Яъни муассасамиз умумий кўрсаткичда "1001+" поғонадан жой олиб, Ўзбекистон олий ўқув юртлари орасида Тошкент давлат аграр университетидан кейинги 2 — 30 оралиқда таснифланди.

### "Спин-офф" корхоналари бизга нима беради?

2021 йил 16 июнь. Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши фаолиятимизда янги уфқлар очди. Ўшанда олий таълим муассасаларининг ҳар бир мутахассислик кафедралари ҳузурида илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиб, уларнинг ўзига даромад топиш учун зарур шароитлар яратиб бериш вазифаси юклатилди.

Мазкур топшириқ ижроси доирасида Фарғона политехника институтида илмий ва инновацион ишлаб чиқариш ҳамда турли соҳаларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган жами 17 та марказ фаолият бошлади. Тил ўргатиш, тайёрлов ва малака ошириш маркази, ўқув-ишлаб чиқариш комплекси, бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш маркази, медиамарказ, қурилиш материаллари аккредитация маркази, АКТ инкубация маркази шулар жумласидан.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу муассасалар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида хорижий тажрибани қўллаган ҳолда 14 та "спин-офф" корхонаси очилди. Ҳозир уларга жами 343 нафар талаба жалб қилинган. Бу йигит-қизлар, асосан, молиявий аҳволи оғир, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда иқтидорли ёшлардан иборат. Масалан, "FerPI Textile Group" "спин-офф" корхонасида 40 нафар талаба иш билан таъминланган. "FerPI Inno"да — 23, "FerPI-Campus"да — 32, "FarPI ALPHA"да 8 нафар йигит-қиз иш билан банд.

### Талабаларимиз маош олиб ўқийди

Қай бир соҳада бўлмасин, муваффақият учун аввало, имконият зарур. Мустаҳкам база эса биринчи галда қизиқишга, кейин интилишга ва сўнгги босқичда натижага сабаб бўлади. Ўтган йили жами 27,3 млрд. сўмлик 40 та илмий ва инновацион лойиҳа ҳамда 547 та хўжалик шартномаси бажарилиши ҳисобига 132 нафар талаба ойлик маош асосида меҳнат қилиш имконига эга бўлди.

Хусусан, "Илмий-тадқиқот ва ўқув ишлаб чиқариш комплекси" маркази қошидаги "FARPI MECH TECHNO" ва "FerPI RE-ENG" "спин-офф" корхоналарида умумий қиймати 3,2 млрд. сўмлик тижоратлаштириш ва хўжалик шартномалари асосидаги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди. Наманган вилоятининг "NAMMOTORS SERVIS" корхонасидан сув насослари ишлаб чиқариш учун қолиплар ясаб бериш бўйича 200 млн. сўмлик, "Фарғона изланиш-ихтиро технологияси" МЧЖдан деталларга механик ишлов бериш юзасидан 50 млн. сўмлик, "Air Wen Kon engineering" корхонасидан ҳаво фильтрларини тайёрлашга қаратилган 7,4 млн. сўмлик ҳамда "BIG BUILDING CAPITAL"дан савфа втулкаларини (Savfa vtulka) тайёрлаш юзасидан 20,8 млн. сўмлик буюртмалар олинди.

Бундай корхоналарнинг ташкил этилиши билан 25 нафар талаба прессформа, штамп, қолиплар ва мураккаб юзали деталларга ишлов бериш, тишли ғилдиракларни ишлаб чиқариш, дастгоҳлар ҳамда металл конструкцияларни лойиҳалаш каби вазифаларни амалга ошириш орқали қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

Шунингдек, "спин-офф" корхоналарида 800 нафардан зиёд йигит-қизларнинг амалиёт ва стажировка ўташи учун имконият яратилди.

Марказлар бир неча кафедра ва "спин-офф" корхоналарини қамраб олади. Яъни институтнинг бошқарув структурасида ушбу муассасалар алоҳида ўрин эгаллаб, уларда бир вақтнинг ўзида бир нечта кафедралардаги илмий тадқиқот ишлари, малакавий амалиёт, стажировкалар олиб борилади.

Марказларга молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобидан сотиб олинадиган жиҳоз ва ускуналардан ҳам илмий, ҳам ўқув мақсадлари учун институтнинг барча бўлим, кафедралари очиқ тартибда фойдаланади.

### Ҳам амалиёт, ҳам тадқиқот, ҳам даромад

Ўн тўртта "спин-офф" корхонасидан иккитаси бевосита Фарғона политехника институти таъсисчилигида фаолият кўрсатмоқда. "Electronics and automatics" унитар корхонаси шулардан бири. У энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш ва шу йўналишда хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган.

Олийгоҳ ҳудудидаги 3,5 кВт қувватга эга автоном фотоэлектрик қуёш қурилмаси мазкур корхонага масъул Электроника ва асбобсозлик кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда 5 нафар талаба томонидан ўрнатилгани эътиборга лойиқ. Ушбу муқобил манбалар ёрдамида олинган электр энергиясидан институт ташқи чироқларини қисман ёритишда фойдаланиб келинмоқда.

Бундан ташқари, кимё-технология факультети ўқув биносини қўшимча ток билан таъминлаш мақсадида 151 дона панель асосида 80 кВтли қуёш фотоэлектр станциясини ўрнатишда 4 нафар магистрант ва 10 нафар талаба қатнашди. Ҳозир муассасамизда умумий қуввати 83,5 кВтга тенг фотоэлектрик қурилмалар орқали қўшимча энергия ҳосил қилиняпти.

Ўз навбатида, "Electronics and automatics" томонидан шундай мосламаларни лойиҳалаш ишлари ҳам бажариб келинмоқда. Бу эса "Муқобил энергия манбалари" таълим йўналиши талабалари ва магистрантларига реал шароитларда амалиёт ўташлари учун қулай имкониятдир.

Иш жараёнларида қурилмаларни табиий ва сунъий усулларда текшириш ишлари олиб борилиши ёшларнинг назарий билимларини амалиётда қўллашига замин яратмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида қўшимча моддий даромад топишлари учун ажойиб манба бу.

### Кичик ГЭСлар қуришга қаратилган катта лойиҳалар

Яна бир истиқболли субъектлардан бири "FerPI_GidroProj" марказидир. Ушбу муассаса 2021 йили Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан оқиб ўтувчи Жанубий Фарғона каналида микроГЭС қуришни лойиҳалаштирди. Умумий қиймати 1 млрд. сўмлик мазкур лойиҳани амалга оширишни "FARPI-INNO" "спин-офф" корхонаси ўз зиммасига олди. Ҳозир қуввати 200 кВтгача бўлган экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарувчи микроГЭСнинг илк намунаси тайёрланиб, ўрнатиш ишлари якунланяпти.

Шунингдек, марказ томонидан "Аҳолини арзон ва муқобил энергия билан таъминлаш мақсадида Қува тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Жанубий Фарғона каналида гидроагрегат типидаги микроГЭС — 400кВт–ҚУВА–1" лойиҳаси ишлаб чиқилган. У орқали йилига 86400 кВт/соат электр токи ҳосил қилиш имконияти яратилади. Лойиҳа қиймати 2 млрд. 369 млн. сўм.

Бундан ташқари, Ўзбекистон тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Сўх дарёсида гидроагрегат типидаги микроГЭСлар каскади лойиҳаси ишлаб чиқилган. У ҳар бири 200 кВт қувватга эга 6 та микроГЭСни ўз ичига олади. 6,2 млрд. сўмлик мазкур лойиҳа туфайли йилига 345600 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Сўх дарёсининг Сўх тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида ҳам 8 та микроГЭСни бирлаштирган шундай каскад қурилиши таклиф этилмоқда.

Ҳозир марказнинг Европа Иттифоқи томонидан эълон қилинган "Sustainable, secure and competitive energy supply (HORIZON-CL5-2022-D3-03)" халқаро грант лойиҳасида "Марказий Осиёда кичик гидроэнергетика тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш" мавзуидаги лойиҳада қатнашиш учун топширилган ариза маъқулланган. Умумий қиймати 4,5 млн. еврога тенг ушбу лойиҳа минтақа мамлакатларидаги мавжуд ГЭСларда (намуна тариқасида биттадан танлаб олинади) автоматик бошқарув тизимини жорий қилишга қаратилган. Фарғона политехника институти унинг минтақа бўйича координатори этиб белгиланган.

Айни чоғда 2022 йил 24 январдаги "Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида умумий қиймати 300 млрд. сўмдан иборат "Қуввати 3 кВтдан 500 кВтгача бўлган янги авлод турбинали микроГЭСларни яратиш" лойиҳаси институт олимлари ҳамкорлиги доирасида амалга оширилиши режалаштирилган.

> ***Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши фаолиятимизда янги уфқлар очди. Ўшанда олий таълим муассасаларининг ҳар бир мутахассислик кафедралари ҳузурида илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиб, уларнинг ўзига даромад топиш учун зарур шароитлар яратиб бериш вазифаси юклатилди. Мазкур топшириқ ижроси доирасида Фарғона политехника институтида илмий ва инновацион ишлаб чиқариш ҳамда турли соҳаларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган жами 17 та марказ фаолият бошлади. Тил ўргатиш, тайёрлов ва малака ошириш маркази, ўқув-ишлаб чиқариш комплекси, бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш маркази, медиамарказ, қурилиш материаллари аккредитация маркази, АКТ инкубация маркази шулар жумласидан.***

Бундан хулоса шуки, илм-фан амалиёт билан уйғунлашсагина, самара беради. Қолаверса, илмий изланиш ва тадқиқотлар натижаларини оммалаштиришда ҳам гап кўп. Дунёдаги илғор тажрибалардан нафақат хабардор бўлиб бориш, балки уларни пухта ўрганиш ҳам — муҳим эҳтиёж. Бунинг учун эса катта платформа керак. Фарғона политехника институти айни шу масъулиятли вазифани муваффақиятли ўтамоқда.

**Ўктам САЛОМОВ,**
**Фарғона политехника институти ректори, техника фанлари доктори.**

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАР

## БОҚИЙ ШАҲАРДА АНВОЙИ ГУЛЗОРЛАР

*Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари қадим кентга янада чирой бахш этяпти.*



Бугун туризм марказига айланиб бораётган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрини анвойи гулзорга айлантириш, яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида кўчабўйи, хиёбон ва майдонларга 5 миллион туп гул ва манзарали кўчатлар экиляпти.

Айтиш ўринлики, 50 турдан ортиқ ушбу кўчатларни маҳаллий тадбиркорлар томонидан шу ернинг ўзида маҳаллийлаштириш ва кўпайтириш йўлга қўйилган. Бунда "Йўлкўкалам" ҳамда ободонлаштириш корхоналари ишчи-мутахассислари фаол иштирок этаётир.

— Шаҳар ва унинг атрофидаги 18 объектда фаолият олиб борамиз, — дейди Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси мутахассиси Низомжон Аҳадов. — Айни жараёнда хориждан келтирилган турли дарахт ва бута кўчатларини иссиқхоналарда ўзимизнинг иқлим шароитига мослаштириш бўйича илмий-амалий изланишлар йўлга қўйилган.

Шунингдек, мутахассислар томонидан экилаётган гул ва буталар парвариши, агротехникаси борасида ҳам зарур тавсиялар бериб борилялти.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ БИНО

*Бухоро тумани маркази — Галаосиё шаҳрида салкам икки гектар майдонда тиббиёт бирлашмаси учун янги бинолар қад ростламоқда.*




Инвестиция дастурига мувофиқ, икки, уч ва тўрт қаватли бинолар қурилиши учун 4,8 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган. Янги мажмуада туғруқ комплекси, терапия, жарроҳлик, юқумли касалликлар бўлимлари, болалар шифохонаси, шунингдек, тез тиббий ёрдам станцияси бунёд этилади.

Яқинда туман тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими ҳамда тез тиббий ёрдам станцияси бинолари тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Юқумли касалликлар бўлими тиббий хизмат сифатини ошириш имконини берадиган замонавий ускуналар, станция эса махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари билан таъминланди.

Бу лойиҳа вилоятдаги "47-сон хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ЭСКИ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ТАЪМИРЛАНМОҚДА

*Аҳолига узлуксиз равишда табиий газ етказиб бериш мақсадида "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали томонидан қувурлар реконструкция қилинаётир.*



Хусусан, "Ховос" газ тақсимлаш станциясидан Ховос шаҳарчасининг "Бунёдкор", "Чаманзор", "Истиқлол", "Дўстлик", "Тинчлик", "Карвонсарой", "Еттигузар" ҳамда "Ховособод" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини табиий газ билан таъминлаш мақсадида қарийб 60 йил бурун ер остидан ўтказилган газ қувурида ана шундай таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июндаги "Ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Сирдарё туманидаги "Сирдарё эркин иқтисодий зонаси"га газ қувури ўтказилиб, пайвандлаш ишлари якунига етказиляпти.

Айни пайтда куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида вилоятнинг Сирдарё, Мирзаобод ва Ховос туманларидаги газ қувурлари ҳам таъмирланмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6